Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 16 июнь ● сешанба ● № 25 (642) ● www.minjust.uz

# Тадбиркорлик ва кичик бизнес

## субъектларини ҳимоя қилиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида муҳим аҳамият касб этади



2009 йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 35,1 фоиз ўрнига 36,2 фоизгача ва хизматлар соҳасининг улуши 44,4 фоиз ўрнига 45,5 фоизгача кўпайди.

Ривожланишнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши 208,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.



2009 йилнинг биринчи чорагида республикамиз бўйича жами 280 мингдан зиёд киши касаначиликка жалб этилди.

Ҳудудларда корхоналар ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш, пудрат ва оилавий бизнес шартномалари асосида янги иш ўринлари яратиш касаначилар сонини шунча миқдорга кўпайтириш имконини берди.



2009 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,9 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 9,9 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 12,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўсиши 5,7 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 16,6 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 12,1 фоизни ташкил этди.

**ЖАҲОН молиявий-иқтисодий инқирози дунё жамоатчилигининг диққат марказида турган глобал муаммолардан биридир. Ушбу долзарб муаммога ечим топиш ва уни бартараф этиш борасида Юртбошимиз томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Буни дунёнинг обрўли иқтисодчи олимлари ҳам эътироф этмоқда.**

ЖУМЛАДАН, 2008 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш юзасидан Президентимизнинг 1 та Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарори, 2009 йилда эса Президентнинг 6 та Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарори қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжатлари инқироз шароитида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий омили бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** номли китобида ҳам инқирознинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг туб моҳияти ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича фикр билдирилган.

Шунингдек, китобда 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш устувор вазифа эканлиги айтиб ўтилган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор коньюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.

Дарҳақиқат, 2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнесда янги-янги иш ўринларининг яратилиши мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

2 →

//Семинар

## Ҳуқуқий ҳимоя

### тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиради

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА "Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш тартиби" мавзуида семинар ўтказилди.**



УНДА Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия бошқармалари масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Таъкидландики, мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар мавжуд. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолиятда унинг ролини ошириш мақсадида жорий йилнинг 15 май куни Президентимизнинг **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилиниб, тадбиркорлик субъектларига яна бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратиб берилди.

Мазкур Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасига жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилинишини мониторингини олиб бориш ва бошқа бир қатор вазифалар юклатилди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши устидан мониторинг ўрнатиш тартиби (Кўрсатма) ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди.

3 →

**Ватан манзиллари**

Мазкур гўшаларда ажойиб ўзгаришлар юз бераётир

2 →

**Бир кишига олтита нон. Ўн хил таом...**

3 →

**«Ҳизб ут-таҳрир»: Сароб ортидаги саргардонлик**

4 →

## ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

### давом этмоқда

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан бугун Наманган шаҳрида «Ҳуқуқ билимдонлари» қувноқлар ва зукколар республика беллашувининг ҳудудлараро босқичи ўтказилмоқда.**

УНДА Наманган вилоятининг «Ёш сенаторлар», Фарғона вилоятининг «Ал-Ҳидоя» ҳамда Андижон вилоятининг «Бобур авлодлари» гуруҳлари ўзаро куч синашмоқда.

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, мамлакатимиздаги мактаб, лицей, коллеж ўқувчи-талабаларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко талабаларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Тадбир натижаси юзасидан газетамизнинг кейинги сонларида хабар берилади.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**




## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

### Жиноят иши қўзғатилди

**ПСКЕНТ тумани прокуратураси томонидан фуқаро Х.Тулегенованинг "Дўнгқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси И.Аҳмедов томонидан моддий ёрдам ва нафақа пуллари талон-торож қилинаётганлиги ҳақида ёзган аризаси текширилди.**

ТЕКШИРИШДА "Дўнгқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғини масъул мансабдор шахсларининг ҳаракатида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бюджет маблағларини талон-торож қилиш аломатлари аниқланиб, туман прокуратураси томонидан мазкур ҳолат бўйича 2009 йил 27 май куни Жиноят кодексининг 205-моддаси, 1-қисми, 167-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

**С.ХОДЖАЕВ,**
**Пскент тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси**




//Қўнғироқ қилинг!

## "Ишонч телефони"

### ишончингизни оқлайди

**СИР ЭМАСКИ, хорижий инвестиция мамлакат иқтисодиётининг равнақ топишида, фаровон турмуш шароитини яратишда муҳим омиллардан бири саналади. Шу боис ҳукуматимиз томонидан бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 йил 2 майдаги **"Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорига кўра, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш вазифаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган.

Хусусан, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида хорижий инвесторлар томонидан 10 та мурожаат келиб тушган, шулардан 6 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди, 4 таси бўйича хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқи тикланди.



Жумладан, "Rubber Technical Products" қўшма корхонасининг 2009 йил 8 апрелдаги "УзМетКомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2008 йил 29 январда тузилган олди-сотди шартномаси шартларини бажармаётганлиги ва етказиб берилган маҳсулот ҳақини тўламаётганлигидан норози бўлиб "Ишонч телефони" орқали қилган мурожаати юзасидан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан қўшма корхона манфаатини кўзлаб, Тошкент шаҳар хўжалик судига 1 500 000 сўм асосий қарз, 750 000 сўм пеня, жами 2 250 000 сўм ундириш ҳақида даъво аризаси киритилган эди. Жорий йилнинг 26 май куни Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан қабул қилинган суд қарорига кўра, даъво ариза қаноатлантирилди ва қўшма корхонанинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

**Ботиржон АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими**

# Тадбиркорлик ва кичик бизнес

## субъектларини ҳимоя қилиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида муҳим аҳамият касб этади



**(Давоми. Боши биринчи бетда.)**

Жумладан, янги ташкил қилинаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди.

2009 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди. Молиявий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирма ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди. Айниқса, хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда уларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан жорий йил 15 май куни **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 1112-сонли Қарор қабул қилиниб, мазкур қарор билан тадбиркорлик субъектларига яна бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратиб берилди.

Хусусан, тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қиймати қисқартирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақи энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 2 баробари миқдорига камайтирилди, улар томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун тўловлар энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтирилди.

Кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолиши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан бир қаторда, алоҳида давлат идораларига ушбу қонун ҳужжатлари амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги **"Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"**ги қарорига кўра, бу вазифа Адлия вазирлигига юклатилган.

Шунингдек, Президентимизнинг юқорида таъкидланган 1112-сонли Қарори билан ҳам Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасига жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиниши мониторингини олиб бориш вазифаси юклатилди.

Ҳозирда бу борада Адлия вазирлиги томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда гуруҳлар тузилиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида вазирлигимиз томонидан қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

— жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши алоҳида назоратга олинган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини чекловчи ва уларнинг манфаатларига зиён етказувчи ноқонуний қарор ва фармойишлар ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш чоралари кўрилмоқда. 2009 йил 1 майгача амалга оширилган ишлар таҳлили ҳақида тўхталадиган бўлсак, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларининг 180 тага яқин ноқонуний қабул қилинган қарорлари бекор қилиниши таъминланди;

— таъкидлаш жоизки, айрим назорат қилувчи органлар томонидан ҳанузгача тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларига тўсқинлик қилиш, улар фаолиятини текширишнинг тартибларини бузиш ёки ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳолатлари учраб турибди. 2009 йилнинг 1 май ҳолатига 366 та ҳолатда текшириш тартиби бузилганлиги, 20 та ҳолатда эса ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланди. Кўрилган таъсир чоралари натижасида айбдорларнинг тегишли жавобгарликка тортилиши таъминланди;

— адлия идоралари томонидан ўтказилаётган ўрганишларда ҳалиҳанузгача тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда, уларга турли рухсатнома ва лицензиялар беришда уларни ортиқча овора қилиш, улардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ёки ортиқча маблағларини жалб қилиш ҳолатлари мавжудлиги кузатилмоқда. Биргина туман ва шаҳар ҳокимликлари қошидаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2009 йилнинг 1-чорагида 900 дан ортиқ ҳолатда давлат рўйхатидан ўтказишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш, белгиланган йиғимдан кўп йиғим ундириш ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатлари содир этилган.

Бу ҳолатларга барҳам берилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги, вилоят адлия, солиқ, статистика, ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан тегишли дастур асосида жойлардаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ходимларининг билим ва малакасини ошириш юзасидан ўқув-семинарлари ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, ҳисобот даврида адлия органлари томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида лицензия ва рухсатномалар бериш юзасидан жами 463 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Уларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш юзасидан қонуний чоралар кўрилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда бюрократик тўсиқлардан яна бири бу банк соҳасидаги турли қонунбузарликлардир. Биргина тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига хизматлар кўрсатишдаги муаммолар юзасидан адлия идораларига 2009 йилнинг 1-чорагида ариза ва шикоятларнинг сони 49 тани ташкил этган. Жойлардаги ўрганишлар жараёнида эса ушбу соҳада 1800 тадан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози республикамиз иқтисодиётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмайди, деб кафолат бера олмаймиз. Шундай экан, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадини оширишда кичик бизнеснинг роли юқорилигидан келиб чиқиб, бу ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган принципиал вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Шокир САИДОВ,**
**Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи,**
**Нўъмон МУХАММАДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари**

---

**Кенг йўл ва имконият**

# Ватан манзиллари

## Мазкур гўшаларда ажойиб ўзгаришлар юз бераётир



### 3. Сехрли қўллар

ФЕРМЕРЛИКНИНГ Юртбошимиз орзу қилган чинакам эпкини Хоразм вилоятининг Янгибозорига 1994 йили кириб келди. Биринчи фермерлик ёрлиғини қўлга киритганлар сафида обод боғлар гўшаси — Боғолон қишлоғидан Солия Матёқубова ҳам бор эди.

— Ўша мақомга етишган кунни ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаси, деб биламан.

Бу — ҳозирда воҳанинг пешқадам фермерлари сафида дадилона одимлаётган Солияжон опанинг самимий эътирофи, дил иқрори, қолаверса, юртимиз ва истиқлолимиз тамойилларига нисбатан садоқат ва камарбасталикнинг ҳам ифодаси.

Юртимизда фермерлик ҳаракати юзага келгач, одамлар кун ва ой сайин ғайратга тўлаётганини Солияжон опа тимсолида кўришди. Опа "Хушнуд" фермер хўжалиги фаолиятини даставвал чорвачилик йўналишидаги 3 гектар ер ва 10 бош қорамол билан бошлади. Йил охирида эса туман раҳбарлари йўқлашди. Солияжон опа ҳокимликка "атиги бир қарич ерниям олиб қўйишса-я," деган андиша билан кириб борди.

— Ишларингиз чакки бўлмабди-ку? – деди ҳоким маълумотларга кўз югуртирар экан ва дабдурустдан муддаога кўчди. — Танловга тобингиз қалай? Ишлай олишингизга ишонч ҳосил қилдик. Яна ер тақсимоти бўлади. Агарда ютиб чиқсангиз... Аммо, бизни бир нарса ўйлантираяпти. Оилангизда мол боқиш имкони чекланган. Танловда юта олсангиз, балки чорвачиликдан деҳқончилик йўналишига ўтарсиз?

Аслида фермер опа ҳам шуни истаётганди. Негаки, ферма ёки мўъжаз оғилхонага эга бўлмай туриб, уй шароитида чорва бош сонлари-ю, маҳсулдорлигини оширолмайсиз. Бунинг устига маблағ тақчиллиги.

Опа ҳоким айтган танловда қатнашди. Унда ғолиб чиқиб, яна 18,9 гектар ер майдонини ошкора ютиб олди. Ишлар юришгандан юришди.

Фермер оиладагилар билан маслаҳатлашиб, даромаднинг янги манбаини излашга киришди. Орадан кўп ўтмай фермер хўжалигининг янги дон тегирмони ишга тушди. Кейинги мавсумлар якунида эса яна бир нечта техника ва тиркама воситалари сотиб олинди. Шу орада Янгибозор тумани хўжалик юритишнинг янгича усули афзалликларини тўла исботлаб, мамлакатимизда биринчилар қатори ёппасига фермерликка ихтисослашди. Бунда асосий эътибор йириклаштирилган, бақувват фермер хўжаликларини барпо этишга қаратилгани айни муддао бўлди. Бу воқеа 2003 йили содир бўлди. "Хушнуд"га қарашли экин майдонлари танлов якунларига кўра, бир йўла 58 гектарга кўпайиб, жами 77 гектарга етди.

Табиийки, меҳнат сарф-харажатлар кўлами ҳам унга монанд тарзда ортди. Хўжалик қарамоғидаги тракторлар сони йириклашувдан сўнг дастлабки икки йилнинг ўзидаёқ 4 тага, тиркамалар эса 2 тага етди. "Қўл узунлиги"нинг яна бир шарофати шу бўлдики, фермер опа соф фойдадан 700 минг сўм маблағни туман марказий шифохонасининг янги биноси қурилишига ҳомийлик ёрдами сифатида ўтказди. Шу орада хўжаликда сармоянинг яна бир йирик ўчоғи – ҳозирда йил сайин ўртача 500 килограмм пилла етиштиришга мўлжалланган бино қуриб битказилди. Олтин нархидаги ўша пилланинг сармоясини хом-чўт қилиш ўзингизга ҳавола.

Кўпчиликка аён: фермернинг қўл-қанотини моддий имконлардан бўлак ҳеч нарса зиёда қилолмайди. Бундай имкон эса ҳали айтилганидек, ҳалол меҳнат, омилкорлик, оқилона иш тутуми ва тежамкорлик боис ўз салобатини кўрсатиб турибди.

Ер тилини билган деҳқон сув ёки ўғит тақчиллиги кезларида ҳам талафот кўрмайди. "Бизни сув тақчиллиги бир оз қийнайди", дейди Солия опа ҳосил ва даромад манбалари ҳақида тўхталаркан. Унинг фикрича, ер қаъридаги сувни насослар ёрдамида сўриб олиш билан бу муаммони ҳам бир қадар бартараф этиш мумкин ва амалда ҳам шундай бўлаяпти. Бунда мутахассис сифатида умр йўлдоши Раҳимбой ака ва ўғлининг таклифлари жуда қўл келади.

Фермер опанинг дилини банд этган интилишлар самараси шу бўлдики, хўжалик қарамоғидаги техника воситалари сони 2009 йил бошига келиб 13 тага етди. Исми жисмига ярашиқли Боғолон қишлоғида яна бир кўркам боғ бунёд этилди. Кези келган экан, қишлоқнинг бундай боғлари донғи аллақачон юрт ошганлигини алоҳида таъкидламоқ даркор.

Солияжон опа ва хўжаликка уюшган 20 дан кўп деҳқон ердан зар ундиради, оддий далани "оқ олтин" конига, саҳрони "олтин бошоқ" маконига айлантиради, қурт парваришлаб жаннат меваларини олади, чорва боқиб оқ сут "дарё"ларини ҳосил қилади.

Юртимиз ва қалбимиз манзилларини обод ҳамда ораста, ризқнасибамизни зиёда этаётган фидойилар айнан ана шулар.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

**Таҳлил**

# Ўзаро ҳамжиҳатликда

## Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан самарали ҳамкорлик

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди ҳамда Олий Хўжалик судлари ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандумлар ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси, ички ишлар бошқармаси, прокуратура, хўжалик суди, жиноят ишлари бўйича ҳамда фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари билан ҳамкорликда коллежлар, мактаблар, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари, амалдаги қонунлар мазмун-моҳияти ва ҳаётий аҳамиятини тушунтириш юзасидан кўплаб учрашув ва фойдали мулоқотлар ўтказилди. Мазкур Меморандумлар асосида 2008 йилда тузилган режага мувофиқ "Ёшлар йили" Давлат дастурининг мақсади, унда белгиланган вазифаларни, янги таҳрирдаги Солиқ Кодекси кучга кирганлиги муносабати билан ушбу кодекснинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш мақсадида жойларда семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар қилинди. Шу билан бирга, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар томонидан чиқарилган ажримлар, қарорлар, ҳукмлар юзасидан апелляция, кассация ва назорат инстанцияларига шикоят келтириш муддатлари ва тартиби, илова қилинадиган ҳужжатлар тўғрисида жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ушбу Меморандумлар ижросини таъминлашга қаратилган режага асосан вилоят адлия бошқармаси томонидан 2008 йил давомида жами 51 маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди, 9 маротаба оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинди.

2009 йилги режага мувофиқ аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг турли мафкуравий хуруҗлар, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир бўлишга ундаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳар бир фуқарода қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш мақсадида вилоят адлия бошқармасида кенг кўламли ахборот-тарғибот ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

2009 йил май ойига қадар жами 14 маротаба ҳуқуқий тарғибот семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди ва оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзуда чиқишлар қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг талаба ва ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик режасининг ижроси юзасидан Гулистон шаҳар "Меҳрибонлик уйи"да **"Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — барчамизнинг бурчимиз"** шиори остида вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ, ФҲДЁ бўлими мудирлари, нотариуслар иштирокида семинар ўтказилди.

**Абдували АБДУЛЛАЕВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари,**
**Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

**Таҳлил ва талқин**

# Сиёсий партиялар

## фаолиятининг қонуний асослари

**ЎЗБЕКИСТОНДА мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб кўппартиявийлик тизимига ўтиш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун, сайловларга оид қонунлар ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шароитлар яратди.**

ҲОЗИРГИ кунда тўртта сиёсий партия — Халқ демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Миллий тикланиш партияси ҳамда Либерал-демократик партияси фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жумласига Конституцияда белгиланган сиёсий партиялар тўғрисидаги моддалар, **"Сиёсий партиялар тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида"**ги, **"Жамоат бирлашмалари тўғрисида"**ги қонунларни киритиш мумкин.

**"Сиёсий партиялар тўғрисида"**ги Қонуннинг 3, 4, 6, 7, 8, 9, 12-моддалари бевосита сиёсий партияни тузиш билан боғлиқ жараёнларни ҳамда принципларни ўз ичига қамраб олган.

Фикримизча, қайд этилган принципларнинг мазмуни қуйидагиларда намоён бўлади:

***Хоҳиш-иродани эркин билдириш тамойили*** сиёсий партия аъзосига яратилган кенг имкониятдир. Бунда партия фаоллари ва аъзолари тенг равишда партия ривожи учун ўз таклифларини, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун зарур, деб билган фикрларини эркин билдириш имконияти, деб тушуниш мумкин.

***Партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш тамойили*** шуни англатадики, ҳеч ким бирон-бир сиёсий партияга мажбуран аъзо бўлишига ёки партиядан чиқишига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди ва бу амалдаги қонунчилик билан тартибга солинган.

***Аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойили*** ҳақида шуни айтиш мумкинки, Қонуннинг 4-моддасида бунга жавоб берилган. Яъни, **"Партияга мансублигига кўра, фуқаронинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш, худди шунингдек, унга имтиёзлар ёки устунликлар бериш таъқиқланади".**

***Ўзини ўзи бошқариш тамойилига*** ҳар бир сиёсий партияда молиявий манбаларнинг мавжудлиги ва бунинг қонуний асослари яратилганлиги, иқтисодий иш юритишда давлатга ёки бирон-бир ташкилотга жавобгар эмаслиги қонунчилик билан кафолатланган.

**"Сиёсий партиялар тўғрисида"**ги Қонуннинг 6-моддаси мазмунига кўра, республикада сиёсий партия тузиш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

— сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади;

— сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида эллик кишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съезди ёки конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим;

— ташкилий қўмита ўзи тузилган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди ёки конференцияси чақириладиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим;

— ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир;

— сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади;

— таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.

Халқнинг сиёсий иродасини шакллантиришда партияларнинг аниқ таъсир чоралари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

— жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир кўрсатади;

— сиёсий ташкиллаштиришга даъват этади ва чуқурлаштиради;

— фуқароларнинг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишларини қўллаб-қувватлайди;

— жамоат ишлари учун ўз зиммаларига жавобгарликни қабул қила оладиган номзодларни тарбиялайди;

— сайловларда давлат органларига номзодларни тавсия қилади;

— парламент ва ҳукуматнинг сиёсий фаолиятига таъсир кўрсатади;

— халқ билан давлат органлари ўртасида доимий жонли алоқанинг ўрнатилишини амалга оширади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантириш фақатгина сиёсий партиялар (ташаббускор гуруҳларни инобатга олмаган ҳолда) ёрдамида амалга оширилса, сиёсий партиялар компетенцияси, жамиятнинг сиёсий ҳаётида тутган ўрни ошишига яна бир омил бўларди. Қачонки, халқ сиёсий партиялардан манфаатдор бўлсагина сиёсий партияларнинг аҳамияти ошади.

**Равшан НИЯЗОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчиси,**
**Баҳром ИЛҲОМЖОНОВ,**
**ТДЮИ талабаси**

**ЭСИНГИЗДА БЎЛСА, "Коммунистик партия манифести" эҳтирос аралаш мана бундай сўзлар билан бошланарди: "Европада бир шарпа кезиб юрибди, бу коммунизм шарпасидир". Қуйи Саксониянинг намчил тупроғида туриб қилинган бу башорат асрлар ўтдики, ўз исботини топмади. Коммунизм шарпаси худди арвоҳга ўхшаб, шаклу шамойилини кўрсатмади... 1917 йили болшовойларнинг Қишки саройни ишғол қилиши билан бошланган инқилоби ўтган аср 80-йиллар охирида Берлин деворининг қулаши билан оёқлади. Коммунизм сароб эканлиги аён бўлди.**

## Огоҳликка даъват

# «Ҳизб ут-таҳрир»: Сароб ортидаги саргардонлик

XIX АСРНИНГ сўнгида Германияда туриб инсониятга "жаннат" ваъда қилган "даҳо"ларнинг ворислари XX асрнинг ўрталарида ҳам пайдо бўлди. Бу сафар энди Яқин Шарқда, биринчи мақолада келтириб ўтганимиздек, ўтган асрнинг 50-йилларида фаластинлик Тақийуддин Набаҳоний бу ишга "асос" солди. Аслида Фаластин озодлиги деб тузилган "Ҳизб ут-Таҳрир" бугун инсониятга яна "жаннат" ваъда қилаётир.

... Бу икки ғоянинг ўхшаш жиҳатлари шундаки, улар фаровон ҳаётни одамлар қони эвазига бунёд этишни тарғиб қилишади. Яқин тарихимизда мустабид тузум сиёсати туфайли халқимиз ва миллатимиз чеккан жабру ситамлар, адоқсиз қатағонлару топталишлар ҳали ҳеч биримизнинг эсимиздан чиққан эмас. Худди коммунистик партиядек "Ҳизб ут-Таҳрир" ҳам бу йўлда қўлини қонга ботиришдан ор қилмайди. Манбаларда келтирилишича, террорчиларнинг етакчиларидан бири Абдулла Мавлавий Марказий Осиёда "жиҳод" ҳақида гапираркан: "Халифаликни барпо этиш тарафдорлари" қурбонлар беришдан ҳеч тап тортмайди, агар зарур бўлса, янги давлат кофирлар қони устига қурилади, дейди бир баёнотида. Таассуфки, бу ўринда Мавлавий жаноблари "кофир"лар деганда фақат номусулмонларни эмас, балки "Ҳизб ут-Таҳрир" йўлига юрмаган мусулмонларни ҳам назарда тутган. Ҳолбуки, ислом ҳеч қачон, хусусан, XI асрда яшаган Ғаззолий замонидан бошлаб, мусулмонларни лаънатлашга, қон тўкишга изн бермаган. Бир ҳадисда, бундай дейилади: **"Бирор киши ўз биродарига: "Сен кофирсан", деб айтса, улардан бири, албатта, шу номга лойиқ бўлади".**

Ўзининг манфур мақсади сари интилаётган "Ҳизб ут-Таҳрир" бугунга келиб дунё террорчилигидаги энг "нуфузли" ўринни эгаллаб турибди. Образли қилиб айтганда, кўзадан чиқарилган жинни яна кўзага қамаш, ҳатто "кўза эга"ларининг ҳам қўлидан келмай қолди. Мазкур террорчи уюшманинг дунё давлатларига солаётган хавфи бугун фавқулодда юз бериши мумкин бўлган табиий офатлар хатари билан тенглаштирилмоқда. Унинг олдини олиш барча учун бирдек муҳим. Президентимиз 1999 йилнинг ноябрида Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган ЕХҲТ Саммитида қуйидаги таклиф ва ташаббус билан чиққанди: *"Халқаро терроризмга қарши кураш Марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.*

*Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим".*

Президентимиз бу ўринда мавжуд муаммонинг моҳиятига эътибор қаратган, аввало, ўша жангари тўдаларга ҳомийлик қилаётган давлат ва ташкилотларнинг, бадавлат шахсларнинг "шохини қайириб" қўйишни кун тартибига қўйган эди. Зеро, моҳият маҳв этилмас экан, масала осилиб тураверади.

— "Ҳизб ут-Таҳрир" мафкурасининг "сулҳпарварлик" йўналиши ҳақида гапирганда, — дейди профессор Шуҳрат Ғойибназаров, — 1999 йил декабридан 2000 йил январигача Ливаннинг шимолида бўлиб ўтган воқеаларни мисол келтириш мумкин. Ўшанда "Ҳизб ут-Таҳрир" жангарилари билан Ливан хавфсизлик махсус хизмати ҳамда Сурия қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтганди. Жанговар тўқнашувлар натижасида иккала томон ҳам талафот кўрганига қарамай, ҳар ҳолда, ҳукуматга қарши акциялар туркумини ўтказишнинг, шу жумладан, зўравонлик ва террорчилик хусусиятига эга акцияларнинг олди олинган, "Ҳизб ут-Таҳрир"нинг 800 нафар жангарисини ҳибсга олганди. 2000 йилда Миср махсус хизматлари "Ҳизб ут-Таҳрир"нинг яна 26 фаолини ҳибсга олиб, навбатдаги ҳарбий тўнтаришни бартараф этди...

2003 йил 6 июнь куни Ҳизбийларнинг Россиядаги "ўчоғи" ҳам фош этилди. Россия федерал хавфсизлиги хизмати қўлга олган 55 ҳизбий машинаси ва уйларидан жанговар қуроллар, диний адабиётлар, наркотик моддалар топилди. Тарихимизда қора доғ бўлиб қолган Февраль воқеаларининг юз бериши ҳам айнан ўша даврларга тўғри келади. Кейинчалик, яъни 2004 йилга келиб ҳизбчилар мамлакатимиз ҳудудида яна бир бор бош кўтаришди. 2004 йил 30 март куни Қибрай туманидаги ДАН постида портлаш ва отишмалар қилиши натижасида 3 нафар милиция ходими ҳалок бўлди, 5 нафари оғир яраланди. Худди шундай воқеа 31 март куни Тошкентнинг Чимбой маҳалласида ҳам юз берди. 1 апрель куни эса Бухоронинг Ромитан туманида бир худкуш аёл ўзини портлатиб, бир неча бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлди. 30 июлда эса пойтахтимизда террорчи тўдалар бир йўла 3 та портлашни амалга оширдилар. АҚШ, Исроил элчихоналари ва республика Бош прокуратураси фойесида юз берган худкушликлар деярли бир вақтда содир этилди. Бу, албатта, пухта ўйланган ва четдан махсус кўрсатма билан қилинган иш эканига шубҳа йўқ.

Президентимиз шунга ўхшаш воқеаларга баҳо беракан, ўзининг "Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз" китобида шундай дейди:

*"... Бу экстремистик марказларнинг пировард мақсади — бизни танлаган йўлимиздан ортга қайтаришдир. Яъни, дунё интилаётган, фаровон яшаётган давлатлар қаторига қўшилишдек мақсадимиздан, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг олдида энди-энди очилаётган эркин ва озод ҳаёт йўлидан юртимизни яна орқага — ўрта аср тузуми ва жаҳолатига қайтариш, бизни боши берк кўчага киритиб қўйишдан иборат.*

*Ўрта Осиёда ҳам Афғонистондагига ўхшаш — унинг номини амирлик дейдими, халифалик дейдими ёки ислом давлати дейдими, ишқилиб шундай тузум ўрнатиш ва бизни ана шундай ҳолатга тушириш. Мана шундай вазиятни вужудга келтириб, бизнинг юртимизда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш.*

*Булар ўз мудҳиш режаларини амалга оширишда ҳеч нарсадан тоймайдиган разил кучлар эканини ҳаммамиз яна бир бор яхши англаб олишимиз даркор".*

Манбаларда келтирилишича, "Ҳизб ут-Таҳрир"нинг ўлкамизга кириб келиши, ўтган асрнинг 80-90 йилларига тўғри келади. Собиқ иттифоқ барҳам топиб, Марказий Осиёда дини ва ижтимоий яшаш тарзи бир-бирига яқин бўлган бешта янги давлатнинг пайдо бўлиши ҳизбчиларни руҳлантириб юборди. Айнан ўша йиллари "Ҳизб ут-Таҳрир" амири Абдул Қадим Зуллум партия ўз фаолиятини фаоллаштириши зарурлигини эълон қилди. 1989 йилда Ўзбекистонда Иордания фуқаролари Ислом Ғолиб ва ал-Оран Билол Фуатлар пайдо бўлишди. Булар ҳизбчиларнинг мамлакатимизга келган илк чопарлари эди. Кейинроқ 1990 йиллар бошларида Тошкентга яна бир иорданиялик Исмоил Абу Барно мазкур партия мафкурасини тарғиб қилиш миссияси билан келди.

Ҳизбийларнинг минтақамизга кириб келишлари асл сабаблари нима эди? Нега улар Ўзбекистонга бунча айланишади?! Уларни руҳлантирган омил шунда эдики, ўша пайтга келиб "Ҳизб ут-Таҳрир"нинг ғояси ва фаолияти бошқа давлатларда тақиқланган эди. Бундан ташқари, уларни қўллаб турган баъзи бир манфаатдор кучлар ва давлатлар стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Ўзбекистонимизни ҳеч ўчмас олов ичига тортишни истарди. Айнан шу



масаладаги фикрини Президентимиз "Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз" рисоласида мана бундай изоҳлайди: *"Аввало, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон давлатининг обрўси, унинг таъсири, салоҳияти ҳаммага маълум. Бизнинг мамлакатимиз нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Марказий Осиёнинг энг қулай геополитик нуқтасида жойлашган. Қолаверса, юртимиз аҳолиси бутун минтақа аҳолисининг 50 фоизини ташкил қилади.*

*Ҳаммага аёнки, Ўзбекистон қандай йўлни танласа, ўз тараққиёти учун қайси йўлни маъқул деб белгиласа, албатта, бу йўл ён-атрофдаги бошқа давлатларга ҳам таъсир кўрсатиши — бу ҳам муқаррар ҳақиқат".*

Шундай қилиб, 1990 йилларнинг бошларида Марказий Осиё давлатлари, жумладан, мамлакатимизда ҳам "Ҳизб ут-Таҳрир"нинг болшовойларнинг ячейкаларига ўхшаш илк халқалари пайдо бўлди. Халқаларда энг аввало, ўқитиш (яъни, ёшларнинг онгини заҳарлаш) ишларига жиддий эътибор қаратилди. Бу ишга шу қадар жиддий эътибор бериладики, маҳаллий фаолларни "Ҳизб ут-Таҳрир"нинг МДҲ мамлакатлари бўйича мутасаддиси ливанлик Абу Маҳмуднинг ўзи келиб кўриб кетади. Ўтилаётган дарслар ва даъватларнинг асосий мавзуси мавжуд конституциявий ҳукуматларни ағдариш ва унинг ўрнида халифалик барпо этишга қаратиларди. Болшовойлар кучнинг асосий манбаини ишчи-деҳқонлар (оми халқ) орасидан қидирганидек, ҳизбий мафкурачилари ҳам энг аввало, ўқимаган ёшлар ва аёлларни нишонга олди. Бу ўринда улар иккита йўлдан фойдаланишди. Биринчиси, моддий рағбат. Ўша йиллари ҳукуматга қарши варақа тарқатиш, симёғочларга даъватларни осиб кетиш 50-100 АҚШ долларида баҳоланган. Иккинчи йўл эса, ақидапарастларнинг энг нозик қуроли руҳиятни заҳарлаш билан боғлиқдир. Яъни, улар ўз таъсир доирасига олганлар бу йўлда қурбон бўлса (қаранг, ўз халқи, ота-онаси, опа-укасини портлатса) тўғри жаннатга тушишларини ваъда қилишган. Ҳизбийларнинг бир варақасида қуйидаги сўзлар битилган: "Азизлик либоси"ни кийиб, ҳўрлик кишанини парчалаймиз, халифалик давлатини тиклашга даъват этамиз...". Бу ўринда ҳизбийлар назарда тутаётган "Азизлик либоси" нима эканини ақли расо одам яхши тушунади.

Ҳизбийлар минтақамизда асл мақсадларига ета олишмаса-да, юқорида келтириб ўтганимиздек, кўплаб қора ишлар юз беришига сабабчи бўлишди. Энг ёмон томони, айрим тажрибасиз ёшлар ва аёллар онгини заҳарлашди. Кучли психологик таъсир ва мафкуравий тазйиқ остида онги шаклланган айрим ёшлар бугун на Ватанни, на ота-онасини тан олади, улар бамисоли зомбиларга ўхшаб берилган кўрсатмага асосан ҳаракат қилишади. "Ўлдир" деса ўзини ҳам ўлдиради. Бу масаланинг ҳеч муроса қилиб бўлмайдиган томонидир.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти очиқ сайёр суд мажлисида кўрилган жиноий иш бунга мисол бўла олади. Бундай дейишимизнинг сабаби судда иштирок этаётган 12 нафар судланувчининг барчаси илгари айнан "Ҳизб ут-Таҳрир" аъзоси сифатида жиноят содир этган ва судланган. Бу кимсалар озодликда юриб қилган ишларидан пушаймон бўлиш, бораётган йўли нотўғри эканлигини англаб, тавба қилиш ўрнига муассасада сақланаётган маҳбуслар орасида "Ҳизб ут-Таҳрир" ғояларини ёйиш билан шуғулланган. Жиноий тўда ташкил қилиб, конституциявий ҳукуматни ағдариш, ҳокимиятни босиб олиш, ўзларига бўйсунмаган аҳолини турар-жойларидан кўчириб юбориш каби сепаратистик ғояларни тарғиб қилган.

Ҳолбуки, Икрамов Акбар, Мирзаҳмедов Миразиз, Каримов Равшан, Атабеков Жамшидбек, Мадмаров Ҳабибулла, Гиязов Шамсиддин, Насиров Рустам, Бойматов Турназар, Мўминов Забиҳулло, Рабиев Машраб, Раҳматуллаев Жаҳонгир, Мўминов Муродлар 9 йилдан 13 йилгача озодликдан маҳрум этилиб, Навоий вилоятидаги 64/29-сонли жазони ижро этиш муассасаси (бундан кейин ЖИЭМ)да муддатини ўтаётган эди. Қаранг, шу ерда террорчи уюшма тузиш ва фаолият юритишда иштирок этишган. 2006 йилнинг май ойларида юқорида номлари саналган маҳбуслар ЖИЭМнинг 10-туркумига ўтказилади. Айнан ўша пайтларга келиб, мазкур туркумда "Ҳизбий идораси" номли жиноий уюшма тузилади. Идора масъули этиб олдиндан шу туркумда "ўтирган" У.Дадабоев тайинланади. Дадабоев маҳкамада тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш, атрофига кўпроқ одам тўплаш йўлида уюшманинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқади. Унга кўра, у уюшманинг иккита қанотини (бўлинма) жорий қилади. Биринчи қанотга М.Ибодуллаевни, иккинчи қанотга эса Р.Очиловни (ушбу маҳбуслар иши мазкур судда кўрилмаган) "нақиб" (бўлинма бошлиғи) этиб тайинлайди. "Нақиб"лар эса ҳар бири ўзларига учтадан "омил" белгилаб, улар ихтиёрига учтадан бештагача "мушриф"лар тайин этади. "Мушриф"ларнинг қиладиган ишлари эса маҳбуслар орасидан эътиқоди бўшларини топиб, халқа (ячейка)лар тузишдан иборат бўлган. Жумладан, "омил" У.Дадабоев, "нақиб" М.Ибодуллаевлар топшириғига биноан, жиноий уюшма аъзолари, яъни унинг "мушриф"лари Икромов Акбар, Мирзаҳмедов Миразиз, Каримов Равшан, Атабеков Жамшидбеклар раҳбарлигида муассасада ҳизбга доир бир неча халқалар ташкил қилади. Уларнинг таркибига жалб этилган маҳкумларни мамлакатимиз конституциявий тузумига тажовуз қилиш, қонуний равишда сайлаб қўйилган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлаштиришга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини бузишга очиқдан-очиқ даъват қилишиб, маҳбуслар орасида оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришга зимдан тайёргарлик кўришган. Ҳатто, бир гал ҳизбчилар томонидан муассасада уюштирилган тартибсизликлар оқибатида уюшмага алоқадор бўлган маҳбуслардан бир нечтаси ўзларини ўткир тиғли ашёлар билан жароҳатлаган...

Юқоридагилардан ташқари, "омиллар" Ж.Ҳайдаров назоратида 6 та, А.Ишмуратовда 5 та, Б.Алимовда 3 та, О.Мирзаевда эса 4 та "мушриф" бўлган. Кези келганда шуни айтиш керакки, "нолегал тарғибот" "Ҳизб ут-Таҳрир"нинг тузилмасини белгилаб берди: у ўта автономлашган, бу эса унинг барбод бўлиш хавфини камайтиради. "Ҳизб ут-Таҳрир"да энг қуйи тузилма тўгарак (халқа) бўлиб дарсга беш-етти киши киради. Дарс иштирокчиси фақат ўз раҳбари (мушриф)ни ва тўгаракнинг бошқа аъзоларини билади. Бу ерда у партия адабиёти ва даврий матбуотини ўқиб, тайёргарликдан ўтади. Сўнг "Ҳизб ут-Таҳрир" аъзолигига қабул қилинади. Қабул маросимида у каломуллоҳ билан қасамёд қилади. Қасамёдда "Ҳизб ут-Таҳрир"га садоқатли бўлиш мажбуриятидан ташқари, жиҳод эълон қилиниши билан унда қатнашишга онт ичади.

Суд жараёни билан танишган одам шунга амин бўладики, ЖИЭМда тузилган жиноий уюшма очиқда фаолият юритган "Ҳизб ут-Таҳрир"дан қолишмайди. Муассасада улар "Ҳизб ут-Таҳрир" диний-сиёсий ташкилотининг "Ислом низоми" китоби боблари бўлган "Ҳизбий уюшма", "Топқирлик", "Сиёсий қарашлар", "Ҳизб фаолияти", "Халқаларни ташкил этиш", "Қазо ва қадр", "Ислом нафсият асослари", "Иймонга йўл", "Пайғамбарларга эҳтиёж", "Қуръон тушунчаси", "Исломий мафкура" ва "Шаръий ҳукмлар" номли кичик ҳажмдаги қўлёзма шаклидаги китобчаларни тузиш, эскириб йиртилган, ҳарфи ўчган саҳифаларини қайта тиклаш, сўралган пайтида "нақиб", "омил" ва "мушриф"ларга етказиб бериш, қолган пайтларда уларни кўздан пана жойларда сақлаш ҳамда қилаётган ишлари юзасидан ҳизбий идора "масъули"га ҳисобот бериб келишган.

Халқимизда "букрини гўр тўғрилайди" деган мақол бор. Йўқса, Акбар Икромов, Жамшидбек Атабеков, Ҳабибулла Мадмаров, Шамсиддин Гиязов, Рустам Насиров, Жаҳонгир Раҳматуллаевлар бунгача ҳам икки марта судланиб, жазо муддатларини ўташаётганди. Минг афсуски, улар ҳақиқатни рўёдан, яхшини ёмондан ажрата олишмади. Хаёлий ғоялар тўфонида ўз умрларини совуришди. Аммо бундан "Ҳизб ут-Таҳрир"га аъзо бўлганларнинг ҳаммаси шундай экан, деган хулоса чиқармаслик керак. Бу йўлга адашиб кирган, ўз хатосини тушуниб етган ва тўғри йўл танлаган ёшлар оз эмас. Давлатимиз сиёсатида адашганларни кечириш, бағрикенглик устувор ўрин тутади.

— "Ҳизб" арабча партия, "Таҳрир" озодлик демак, — дейди, Ўзбекистон Мусулмонлар Идораси раиси ўринбосари, Шайх Абдулазиз Мансур. — Вақтида Фаластин озодлиги даъвосида бу фирқа тузилган. Кейин асосий мақсад бир четда қолиб, хаёлий ғоя дастак қилиб олинган. Қайсидир маънода у коммунизм ғоясига ўхшайди. Бир маҳаллар коммунизм нима ўзи, деб сўрасангиз, жаннатга ўхшаш бир ҳаёт, ҳеч бир муаммо бўлмайди, дейишарди. Албатта, бу уйдирмадан бошқа нарса эмас.

Аввалambор шуни айтиш керак, Қуръони Каримда **"фирқаларга бўлинманглар!"** (42-13) деган ҳукм бор. Бу йўлга кириш ҳеч кимга фойда келтирган эмас. Бу муқаддас динимизни ич-ичидан бузиш, унинг обрўсини тўкиш ҳаракатидир. Агар сиз, шу йўлга кирган, билим ва тушунчаси, тажрибаси тўлишган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, бу хаёлий нарса эканини, шу нарсага ундаган даъватчилар эса, бошингга иш тушса, кунингга ярамаслигини, мудом парда ортида туришини айтади.

Шуни айтиш керакки, бу ҳақиқатни англаб етаётганлар кўп.

— Қуръони каримда буюрилганки, **"Эй, инсон ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма"** (16-36). Албатта, бу ҳукм бежиз айтилган эмас. У мудом мўминларни огоҳликка ундайди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, маҳкамада ишлари кўрилган жиноятчиларнинг деярли барчаси ёшлар. Ёшликда эса оқ ва қорани, яхши ва ёмонни ажратиш, унинг фарқига бориш осон бўлмайди. Илмсиз ёшлар бировларнинг таъсирига тушиб қолади. Йўқса, бу ёшлар ўз умрларини хазон қилмас эди.

Глобал сиёсат ҳукм сураётган бугунги дунё огоҳликни ҳар бир давлат стратегиясининг муҳим қоидасига айлантирди. Жаҳон саҳнида хавфли касаллик вирусидай урчиб ётган турли мафкураю ғоялар, назариялар инсоният бошига бугун ўлатдан-да оғир кулфатларни солишга қодир. Бундай таҳликали шароитда, айниқса, келажагимиз эгаси бўлган ёшларимиз онгу шуурини бегона ғоялардан асраш, уларни Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат руҳида камол топтириш, буюк аждодларимизга муносиб ворис қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг миллат ва Ватан олдидаги масъулиятимиз ва маънавий бурчимиздир.

**Ўрол СОДИҚ**

Region.uz

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2009 йил 27 майдаги 7/1-сонли қарорига асосан адлия бошқармасининг 2009 йил 5 июндаги 49-ум-сонли буйруғи билан адвокат Иргашева Муҳаббат Равшановнанинг NV 000044 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси амал қилиши тугатилди.

1993 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон бадиий тарбия муаллимлари ижодий уюшмасининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 119-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

1993 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган "Истиқлол" халқаро хайрия ассоциациясининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 157-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 5 июндаги қарорига асосан Боғдод тумани давлат нотариал идораси нотариуси Маманабиев Илҳомга 1997 йил 8 июлда берилган FE 000042 рақамли лицензиянинг амал қилиши «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 45-бандига кўра 4 ой муддатга тўхтатилди.

1995 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта давлат рўйхатига олинган "Болаларга ёрдам" халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги бўлими фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 27 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 188-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

1998 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Таэквандо Осиё федерациясининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 13 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 348-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

1997 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон елканли спорт федерациясининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 13 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 277-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

1999 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон сумо федерациясининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 13 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 394-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

1998 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон ўқ отиш спорти федерациясининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 13 майдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 301-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси жамоаси палатанинг етакчи маслаҳатчиси Шамил Мусалимовга умр йўлдоши **Ирина МУСАЛИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-515. Тиражи — 19615. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

1 2 3 4 5 6 8